# Qishloq hayoti

2013 йил — Обод турмуш йили

Қишлоқ ҳаёти

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi | www.qishloqhayoti.uz | 2013-YIL 7-MAY, SESHANBA, 57 (8138)-son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.




**Президентимизнинг 2013 йил 25 апрелдаги «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ мамлакатимизнинг барча ҳудудларида уруш ва меҳнат фахрийларига юксак эҳтиром кўрсатилиб, таълим муассасалари, маҳаллалар, меҳнат жамоаларида улар билан турли маънавий-маърифий тадбирлар, учрашувлар ташкил этилмоқда.**



**“Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ тизимида олиб борилаётган ишлар замирида хусусий сектор фаолиятини янада такомиллаштириш, тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, пировардида, аҳолининг обод турмуш тарзи ва фаровонлигини таъминлашдек эзгу мақсадлар мужассам.**



**Бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги 73 та Ахборот-ресурс марказида миллий ва хорижий нашрларнинг (босма, электрон) фонди шакллантирилган бўлиб, уларни сақлаш ва самарали фойдаланиш учун барча шароитлар яратилган. Айни пайтда Ахборот-ресурс марказлари фонди 602769 нусхадан иборат.**

САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА

## Куннинг муҳим воқеалари

► Ўзбекистон давлат консерваториясида “Наврўз садолари” миллий чолғу ансамбллари ва оркестрларининг VI республика фестивали бошланди. Тадбир “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари ва Халқ таълими вазирликлари, Бастакорлар ва “Тасвирий ойина” ижодий уюшмалари, “Сўғдиёна” халқ чолғулари камер оркестри ҳамкорлигида ташкил этилди. 8 майга қадар давом этадиган тадбир доирасида барча бўғиндаги мусиқий таълим муассасалари ўқувчи ва талабаларидан таркиб топган ансамбллар ва профессионал ижодий жамоалар ўз ижодий дастурларини намойиш этади.

► **Тошкентда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятида ҳуқуқий тажрибани амалга оширишнинг назарий ҳамда амалий масалаларига бағишланган илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси, Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси томонидан ташкил этилди.**

► Қашқадарё вилоятида Обод турмуш йилига бағишлаб “Ўзбеккино” миллий агентлиги ва вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган Ўзбек миллий кино санъати кунлари бўлиб ўтди. Ўзбек миллий кино санъати кунлари доирасида бир қатор янги фильмлар намойиш этилди. Уларда тасвирланган меҳр-оқибат, Ватанга садоқат ғоялари, ёшлар тарбиясига таъсир этувчи ибратли лавҳалар кино санъати мухлисларида катта таассурот қолдирди.










## САРМИШСОЙ:
# АСРЛАРНИНГ БОҚИЙ САДОСИ

### НАВОИЙ ВИЛОЯТИ НАВБАҲОР ТУМАНИДА 4-5 МАЙ КУНЛАРИ «АСРЛАР САДОСИ» АНЪАНАВИЙ МАДАНИЯТ ФЕСТИВАЛИ БЎЛИБ ЎТДИ

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида асрий анъаналаримиз, муқаддас қадриятларимизни тиклаш, асраб-авайлаш, мазмун-моҳиятини халқимиз, айниқса, ёш авлодга етказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида 2008 йилдан буён анъанавий ўтказиб келинаётган «Асрлар садоси» фестивалидан кўзланган асосий мақсад қадимий урф-одат ва анъаналаримиз, миллий маданиятимиз ва санъатимизнинг турли йўналишларини халқимиз, кенг жамоатчилик, хорижий меҳмонларга яқиндан таништиришдан иборатдир.

Бу йилги фестивалнинг Саримишсойда ўтказилишида ўзига хос маъно бор, албатта. Тарихимизнинг бебаҳо ёдгорликларини ўзида мужассам этган мазкур музей-қўриқхона мамлакатимиз тарихига қизиқувчилар ва сайёҳларни жалб этиб келаётир. Сойнинг икки соҳилидаги қоятошларга ишланган ўн мингдан ортиқ петроглифлар аждодларимиз маданиятининг тараққиётини акс эттирган. Жумладан, тош асарларда оловнинг кашф этилиши, ёввойи ҳайвонларни хонакилаштириш даврлари, чорвачилик маданияти тарихи ва ов жараёнлари тасвирланган.

**(Давоми 2-саҳифада)**

# ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПАРЛАМЕНТИ МАЖИЛИСИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ТАШРИФИ

***Қозоғистон Республикаси Парламенти Мажилисининг Халқаро ҳамкорлик, мудофаа ва хавфсизлик бўйича қўмитаси раиси М.Ашимбаев раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистон Республикасида бўлди.***

Қозоғистон Республикаси парламент делегацияси мамлакатимизга ташрифи доирасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг раҳбарияти билан учрашди. Делегация, шунингдек, мамлакатимиз парламенти қуйи палатасининг тегишли қўмиталарида музокаралар ўтказди, Тошкент шаҳрининг диққатга сазовор жойлари билан танишди.

Учрашувларда Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги парламентлараро ҳамкорлик истиқболлари муҳокама қилинди.

Меҳмонларга мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, Олий Мажлис ва сиёсий партиялар тузилмаси ва фаолияти тўғрисида атрофлича маълумотлар берилди, улар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олди.

Дўстона руҳда ўтган учрашувлар чоғида томонлар ўзаро алоқаларни изчиллик билан давом эттириш истагини билдирди.

**Нодира МАНЗУРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

Жиззах Вилояти

▼ ПИЛЛАЧИЛИК

# СОҲА ЗАМОНАВИЙ АСОСДА РИВОЖЛАНТИРИЛМОҚДА

**Жиззах вилояти пиллачилари тармоққа илғор технологияларни жалб этиш, пилла етиштиришни босқичма-босқич саноат асосига ўтказиш, ипак қуртининг янги маҳсулдор зотларини яратиш борасида қатор ютуқларга эришмоқдалар.**

Бу йил “Жиззахпахтасаноат” ҳудудий бирлашмаси тизимидаги пахта тозалаш корхоналари ва тайёрлов масканлари қошида ипак қурти боқишга ихтисослашган 12 та замонавий пиллахона ва 72 та сервис хизмати кўрсатиш мажмуалари барпо этилди. Айни пайтда ушбу пиллахоналарнинг ҳар бирида 120-140 қутидан қурт боқиляпти.

Мазкур пиллахоналарда меҳнатни ташкил этиш маданиятининг юқорилиги, пилла қуртларини агротехника талаблари асосида парваришлаш учун барча шарт-шароитлар яратилгани, қуртхоналарнинг керакли асбоб-ускуналар билан жиҳозлангани бу мўъжизакор жониворларнинг соғлом ва тез ривожланишини таъминламоқда.

— Пилла қурти бешинчи уйқуга кирди, — деди “Зарбдорпахтатозалаш” корхонаси қошидаги пиллахона мудири Фазлиддин Равшанов бизни қуртхоналардан бирига бошларкан. — Қуртларимиз уйқудаю пиллачиларимиз туну кун бедор. Ҳали қарасангиз, печлар оловини кўтаришган, ҳали қарасангиз, хоналар ҳарорати ё намлигини ўлчаган, хуллас, барчасининг мақсади тезроқ қуртлари ипак ўрасаю ҳосилни саранжом-саришталаб, эл хирмонига 8 минг 400 килограмм “кумуш тола” етказиб бера қолишса.

Пиллахонамизда 80 нафар тажрибали киши меҳнат қиляпти. Уларга 20 нафар баргчи бириктирганмиз. Пиллачиларимиз асосан корхонамиз яқинидаги қишлоқлардан келишса-да, узоқ қишлоқлардан таклиф этилганлари ҳам бор. Уларга пиллахонамиз қошидаги 50 ўринли ётоқхонада барча шарт-шароит яратилган.



Илгариги йилларда туманнинг 95 фоиз пилласи аҳоли хонадонларида етиштириларди. Кейинги йилларда фермер хўжаликлари қошидаги дала шийпонларини қайта қуриш, қурт боқиш шарт-шароитлари яратиш эвазига бултур бу рақам 75 фоизга туширилганди. Бу йил бизнинг пиллахонамиз шарофати билан бу кўрсаткич яна 10 фоизга қисқарди. Келаси йили пиллахонамизни янада кенгайтириб, қурт боқишни бу йилгидан икки ҳисса кўпайтирамиз. Бу йил корхонамиз яқинидаги 10 гектар майдонга Хитойдан келтирилган 130 минг туп интенсив тут кўчатлари экдик. Туман ҳокимлиги қарори билан 17 гектар эски тутзорларни ўз тасарруфимизга олдик.

Пиллачилар ўртасида ўзаро мусобақа ташкил этганмиз. Ким биринчи бўлиб ҳосил териб, шартнома режасини ошириб бажарса, пахта тозалаш корхонаси маъмуриятининг қимматбаҳо совғаси ва пул мукофотини олади. Бошқа пиллачи ва баргчилар ҳам меҳнатларига яраша рағбатлантирилади. Пиллачиларимизнинг барчаси пешқадамлик учун ҳаракат қилишяпти. Айниқса, Санобар Ўролова, Жамила Фармонова, Рисхол Сулаймонова, Дилфуза Эргашева, Клара Туйғунова, Мавлуда Қурбонбоева ва баргчилар Шерқул Саримсоқов билан Норйигит Турдиевларнинг меҳнатини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Айни пайтда вилоятнинг бошқа туманларида ҳам ипак қурти парвариши юқори агротехника қоидалари асосида ташкил этилиб, яхши натижаларга эришилаётир. Вилоят пиллачилари 12 минг қути қурт боқиб, 606 тонна сифатли “кумуш тола” хирмони бунёд этиш учун меҳнат қилмоқдалар.

**Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**




Бухоро Вилояти

# СИФАТ МУВАФФАҚИЯТНИ ТАЪМИНЛАМОҚДА

**Ромитан туманидаги “Жаннат плюс люкс” масъулияти чекланган жамиятида чорва моллари терисини қайта ишлаш орқали тайёр чарм маҳсулотлари олинади. 20 турда аёллар, болалар ва эркаклар устки кийимлари, 15 турда пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.**

Маҳсулотларнинг сифати кафолатлангани, нархи арзонлиги, умуман, мижозлар талабига ҳар томонлама жавоб бераётгани боис корхона қисқа вақт давомида ички бозорда ўз харидорларини топиб улгурди.

– Фаолиятимизнинг дастлабки даврида замонавий дастгоҳлар келтириб ўрнатиш учун “Микрокредитбанк”-нинг туман филиалидан 35 миллион сўмлик кредит олган эдик, – дейди корхона раҳбари Зариф Қўчқоров. – Энди эса юқори дизайн асосида пойабзал ишлаб чиқарадиган яна бир янги линияни келтириб ўрнатмоқчимиз. Бу нафақат маҳсулот тури ва ҳажми ошишига, балки янги иш ўринлари яратишга хизмат қилади.

Қайд этиш жоизки, корхонада Бухоро юқори технологиялар муҳандислик-техника институти талабалари амалиёт ўташмоқда. Уларни келгусида ишга қабул қилиш бўйича шартномалар имзолаган.

**Ҳамроз АЛИ**

Сирдарё Вилояти

# «ЧАМАНЗОР»ДА ЯНГИ ЦЕХ

**Ховос туманининг 70 дан ортиқ замонавий уй-жойлар барпо этилган “Чаманзор” массивида “Ховосдонмаҳсулотлари” ОАЖнинг янги нон ва макарон ишлаб чиқариш цехи ишга туширилди.**



Фурқат ТОШМАТОВ олган сурат.

Бир кунда 9600 та қолипли нон ишлаб чиқариш қувватига эга ускуналар Германиядан келтирилди. Барча ишлар тўлиқ компьютерлаштирилган. Бу ерда батон, булочка, печенье, торт тайёрланади. Унни элаш, қориш, хамирни ачитиш ишлари тўлиқ механизмлар ёрдамида амалга оширилади. Бундан ташқари, бу ерда бир кунда 1 тонна 700 килограмм 5 турдаги макарон ишлаб чиқарадиган цех ҳам фаолият кўрсата бошлади.

— Цехимизда тайёрланаётган маҳсулотларимиз ҳозирнинг ўзидаёқ бозордан ўз харидорларини топди, — дейди цех бошлиғи Исроил Муродов. — Ҳатто Жиззах вилоятидаги қатор савдо, овқатланиш шохобчалари, жумладан, “Зомин” санаторийси ҳам биз билан шартнома тузиб, буюртмалар беришди.

Янги массивда бунёд этилган нон цехи “Чаманзор” чиройига чирой қўшиш баробарида 24 нафар кишини доимий иш билан таъминлади. Яна бир ибратли жиҳати, цех қошида нон сотиш дўкони ҳам ишга туширилди. Сотувчи Умида Алимардонова мижозларга намунали хизмат кўрсатяпти. Бу янги массивда яшаётган аҳоли ва уй-жой қурилишини давом эттираётган қурувчилар учун катта қулайлик туғдирди.

**Бозорбой БЕКМУРОДОВ**

Қашқадарё Вилояти

# ШАВКАНДА ЗАМОНАВИЙ ТЎЙХОНА

**Шаҳрисабз туманидаги Шавкан қишлоғида замонавий услубда бунёд этилган “Шамс” тўйхонаси фойдаланишга топширилди.**

Ака-ука Акром, Шаҳобиддин ва Камолиддин Хидировлар саъй-ҳаракатлари билан барпо этилган икки қаватли ушбу кошонанинг биринчи қаватида ошхона, озиқ-овқат дўкони, тикувчилик цехи, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ҳам ишга туширилади.

**Ҳусан ТЕМИРОВ**

# САРМИШСОЙ: АСРЛАРНИНГ БОҚИЙ САДОСИ

**(Боши 1-саҳифада)**

Тошлардаги суратларнинг маҳорат билан ишлангани юртимизда қадимдан санъат ва маданият юксак даражада ривожлангани, қоятошлар юзасида муайян даврларга оид маданий босқичларнинг акс эттирилиши аждодларимизнинг кенг тафаккур соҳиби бўлганидан далолатдир.

Сой қирғоқларида қадимда экинзорлар ва сувдан унумли фойдаланиш тизими қўлланилгани ҳудудда деҳқончилик маданияти ривожланганидан дарак беради.

Ушбу гўзал масканда “Асрлар садоси” анъанавий олтинчи маданият фестивалига қизғин ҳозирлик кўрилди. Хусусан, ҳудуднинг табиий гўзаллигини янада бойитиш мақсадида сой бўйларига турфа манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди ва гуллар экилди. Миллий маданиятимизнинг асл намуналарини кенг намойиш этиш, хорижий ва маҳаллий сайёҳларни муносиб кутиб олиш ва уларга намунали хизмат кўрсатиш юзасидан ташкилий ишлар уюшқоқлик билан олиб борилди.

Навоий темир йўл вокзали ва Навоий халқаро аэропорти атрофлари байрамона безатилиб, магистраль ва ички автомобиль йўлларида кенг кўламли таъмирлаш, ободонлаштириш ишлари бажарилди. Навбаҳор, Нурота ва Кармана туманларида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, кўплаб савдо ва хизмат кўрсатиш масканлари барпо этилди.

... 4 май. Соат 10.00. Яшил гилам ёйган, чор-атроф гулларга бурканган Сармишсойда эрта тонгданоқ карнай-сурнай, дутор ва чанқовузнинг сеҳрли наволари таралиб, ҳамюртларимиз ва хорижий меҳмонларни фестиваль дебочаси – халқ сайлига чорлади. Майдонга бадиий-фольклор, миллий рақс жамоалари кириб келди. Шу ернинг ўзида барпо этилган мўъжаз саҳналарда ҳар бир бадиий жамоа фестиваль учун тайёрлаган мусиқий дастурини ижро этди. Дорбозлар ўйини, улоқ-кўпкари, кўчқор, хўрозлар «жанги» фестивалга янада жўшқинлик, бетакрор миллий руҳ бағишлади.

Бир қатор хорижий мамлакатларда бўлиб ўтган халқаро туризм ярмаркаларида «Асрлар садоси – 2013» анъанавий маданият фестивалининг тақдимотлари ўтказилиб,



ушбу ижодий лойиҳа ҳақида хорижликларга атрофлича маълумотлар берилган эди. Бу фестивалда иштирок этиш орқали табаррук заминимизни ўз кўзи билан кўриш, анъана ва қадриятлари, маданияти, самимий ва бағрикенг халқимиз ҳаёти билан яқиндан танишиш истагини билдирган меҳмонлар сафининг тобора кенгайишида муҳим омил бўлди. «Асрлар садоси» фестивалининг асосий тадбирлари билан ҳамюртларимизни кенгроқ таништириш мақсадида Тошкент шаҳридаги «Туркистон» саройида мазкур лойиҳа доирасидаги гала-концерт намойиш этилди.

...Сармишсойда шўх куй-қўшиқлар янгради. Халқ амалий санъати усталари ижодига бағишланган ярмарка бўлиб ўтди. Фестиваль учун ҳозирланган махсус расталарда мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан келган халқ амалий санъати усталари, моҳир ҳунармандлар, уларнинг шогирдлари ўз ижод намуналарини томошабинлар эътиборига ҳавола этди. Нурота каштачилиги, ёрқин ва бетакрор либослари, нақшинкор дўппилари, ёғоч ўймакорлиги, тоштарошликнинг миллий ҳунармандчилигимизда алоҳида ўрни бор.

Махфират Тўрақулова нуроталик чеварларнинг тўртинчи вакили. У ўн еттинчи асрга оид Нурота каштачилиги намуналарини қайта тиклашга муваффақ бўлган. Чевар қизнинг кўз нури, қалб кўри, алоҳида меҳр ва маҳорат билан тиккан сўзана, дўппи, камзул, турфа либослари ҳамюртларимиз ва хорижлик меҳмонларга жуда манзур бўлди.

– Мамлакатимизда миллий ҳунармандлик ривожига кўрсатилаётган улкан эътибор самарасида маҳалламиз миллий ҳунармандлик марказига айланиб бормоқда, – дейди Махфират Тўрақулова. – Бу ёшларнинг аждодларимиз касбкорига бўлган қизиқиши ва ҳавасининг тобора ортиши, уларга касб-ҳунар ўргатиш, вақтини унумли ва мазмунли ташкил этишга хизмат қилмоқда.

Сармишсойда шўх яллалар янграб, жозибали рақслар авж олди. Юртимизнинг турли вилоятлари мусиқий меросини намойиш этувчи ўттизга яқин фольклор жамоа, бадиий ҳаваскорлик гуруҳларининг мазкур тадбирга бағишлаб тайёрлаган ранг-баранг дастурлари фестивалга янада кўтаринкилик, завқ бағишлади.

– Ушбу фестиваль давомида ўзбек миллий анъана ва қадриятларининг асрлар оша аждодлардан авлодларга эъзозланиб, тобора сайқалланиб келаётганига гувоҳ бўлдим, – дейди Лувр музейининг Шарқ маданияти ва санъати бўлими раҳбари Ронте Рокко (Франция). – Жаҳонда анъанавий маданиятга оид фестиваллар, танловлар кўп. «Асрлар садоси» ўзбек халқининг юксак маънавияти, ижодий-интеллектуал салоҳияти, бетакрор ва бой маданий меросининг ёрқин кўзгуси сифатида барчани ҳаяжонга солади. Сармишсойдаги мана бу тошларга ёзилган битиклар, суратлар, бу ерда ўтган фестиваль тадбирларидан буни яққол кўриш мумкин.







ЎзА суратлари.

Санъат байрами доирасида Бухоро шаҳрида “Ўзбекистон маданий ва маънавий меросида меъморий битикларнинг ўрни: тадқиқот, кашфиёт ва истиқбол” мавзусидаги халқаро анжуман бўлиб ўтди. Манбашунослар, археологлар, меъморлар, олим ва экспертлар, хаттотлар, ноширлар, хорижлик мутахассислар қатнашган мазкур тадбирда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан маънавий меросимизни тадқиқ этишга оид лойиҳа жараёнлари атрофлича муҳокама қилинди. Жумладан, юртимизнинг турли ҳудудларида ўтказилган экспедицияларда кўплаб зиёратгоҳлар, ёдгорликлар пештоқидаги мингга яқин ҳикматли сўзлар ўрганилди. Айрим обидалардаги хира тортган ёзувлар қайта тикланди. Изланишлар натижасида жамғарма томонидан нашр этилган «Шарқ хаттотлик ва миниатюра санъати намуналари. VII-XI асрлар», «Ўзбекистон обидаларидаги дурдона битиклар» китоб-альбомлари Нью-Йоркдаги Метрополитен музейи галереясидан ўрин олиб, Россия, Бирлашган Араб Амирликлари, Қозоғистонда бўлиб ўтган халқаро китоб-ярмаркаларида бир неча номинациялар бўйича махсус диплом билан тақдирланди. Тадбир доирасида “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармасининг меъморий обидаларни ўрганишга оид лойиҳаси доирасида нашр этилган олти китобнинг тақдимоти ҳам ўтказилди. Китоблар Бухоро, Навоий, Андижон, Наманган, Хива, Қорақалпоғистон ҳудудидаги қадимий обидаларда муҳрланган битикларни ўрганишга бағишланган.

Шу куни Когон туманидаги Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуасида «Меҳр нури» жамғармаси томонидан қайта таъмирланган “Биби Орифа” меъморий обидасининг тақдимоти бўлиб ўтди. Айни пайтда Маънавий билимларни қўллаб-қувватлаш дастури доирасида ихтисослаштирилган таълим даргоҳларининг 20 нафар иқтидорли талабасига стипендиялар топширилди.

– Мамлакатингиздаги тинч ва осуда, фаровон ҳаёт, Ўзбекистоннинг тараққиёт сари дадил одимлаб бораётгани, маънавият ва маърифат ривожи йўлида кўрсатилаётган улкан эътибор шу каби ёрқин фестивалларнинг юксак савияда, шоду хуррамлик билан ўтказилишида муҳим омил бўлмоқда, – дейди италиялик хонанда Массимо Гальфано. – Бу табаррук заминдаги файзли ва обод, гавжум масканлар, халқингизнинг самимий, очиқ ва бахтиёр чеҳраси, юз-кўзидаги шукроналик туйғусига жуда-жуда ҳавасим келди. Италияга қайтгач, гўзал Ўзбекистон ҳақида қўшиқ яратмоқчиман.

5 май куни Сармишсой дарасида халқ сайиллари, кўргазма-ярмаркалар, полвонлар кураши, миллий ўйинлар, фольклор жамоаларининг чиқишлари, бахшилар ижролари, лапар ва айтишувлар давом этди. Ўзбек пазандалик мактабининг бой анъаналарини намойиш этувчи Миллий таомлар фестивали ҳамда ошпазлар мусобақаси бўлиб ўтди.

Фестивалнинг ёрқин тадбирларидан яна бири – Миллий либослар намойишида ўзбек миллий либосларининг тарихи, қадимдан шаклланган анъаналари, бугуни ва истиқболи ҳақида маълумот берилди. Либосларнинг Зарафшон воҳасига хос жиҳатлари – яшил, зангори, бинафша тусли, ўзига хос бичими, гўзал нақш каштали кийимлар билан бирга анъанавий либослар, замонавий мода намойиши фестиваль иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

– «Асрлар садоси» ижодий лойиҳаси мазмун-моҳияти, аҳамияти, тадбирлари кўламининг ғоят кенглиги ва ранг-баранглиги билан мени мафтун этди, – дейди Канада университети профессори, тарихчи олим Давид Схиммельпэннинк ван дер Ойе. – Изчил тараққий этаётган, тобора чирой очиб бораётган Ўзбекистонда ибратли анъана ва қадриятлар бардавомлигини таъминлаш йўлида кўрсатилаётган улкан эътибор барчанинг ҳавасини тортмоқда. Буларнинг бари Ўзбекистоннинг истиқболи янада буюк эканидан далолат беради.

Қўҳна тарих, қадимий ва бой маданий меросни ўз бағрида сақлаб келаётган Сармишсойга оқшом тушди. Рангин чироқлар, турфа безаклар бу масканга ўзгача шукуҳ, байрамона кайфият бағишлади. Фестивалнинг тантанали ёпилиш маросимида “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси Васийлик кенгаши раиси Г.Каримова илм-фан, санъат ва маданият, маънавият ва маърифат муттасил ривожланиб бораётган мамлакатимизда “Асрлар садоси” каби фестивалларнинг юқори савияда, байрамона руҳда ўтказилиши янгидан-янги ижодий лойиҳалар, изланиш ва тадқиқотларни олиб бориш, бой маънавий меросимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, Ватанимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузи ва обрўсини янада ошириш, ёшлар маънавиятини юксалтиришдек улуғвор мақсадларга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Фольклор жамоалари, турли танловлар ғолиблари – ижрочи ёшлар, санъат усталари, хорижлик хонанда ва созандалар иштирокидаги катта концерт тадбир қатнашчиларида унутилмас таассурот қолдирди. Фестивалнинг энг фаол иштирокчиларига диплом ва совғалар топширилди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**Нуриддин РАҲИМОВ,**
**ЎзА махсус мухбирлари.**

**Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ривожига қаратилаётган доимий эътибор самарасида мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 54 фоиздан, иш билан банд аҳолининг 75,7 фоиздан ортиғи айнан шу соҳа ҳиссасига тўғри келмоқда. 2012 йилда кичик бизнеснинг экспортдаги улуши 15,8 фоизни ташкил этди.**

## БИР ТАДБИРКОР – УЧ ҲАМКОР

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди гранти асосида ташкил этилган “Бир тадбиркор – учта ҳамкор” акциясида шулар хусусида сўз юритилди. Унда пойтахтимизда фаолият юритаётган кичик бизнес субъектлари вакиллари ва касб-ҳунар коллежи битирувчилари иштирок этди.

Икки йилдан буён ўтказиб келинаётган мазкур акция тадбиркорликни янада ривожлантириш, қулай бизнес-муҳит яратиш ва соҳадаги илғор тажрибаларни оммалаштиришга хизмат қилаётир. Унда “Уста-шогирд” анъаналарини ривожлантириш орқали юқори натижаларга эришган тадбиркорларнинг амалий тажрибаси кичик бизнес вакиллари, тадбиркорлик фаолиятини бошлаётган ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилинмоқда. Бунда инновацион бизнес ғояларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга катта эътибор қаратилмоқда.

– Қирқ турдан зиёд дезинфекция ва тиббиёт маҳсулотлари ишлаб чиқарамиз, уларнинг ўнга яқин тури экспорт қилинмоқда, – дейди «Агро био кимё» компанияси директори Асадулла Ражабов. – Компаниямиз ишчиларининг аксарияти бир нечта тилни пухта биладиган ёшлардан иборатлиги халқаро алоқаларни ривожлантиришда қўл келаётир. Жорий йилда компаниямизга доривор ўсимлик – ширинмия етиштириш учун Оҳангарон туманидан 25 гектар ер ажратилди. Бу яна қирқдан ортиқ иш ўрни яратиш имконини беради. Бугунги акцияда ўзининг бизнес ғоялари билан иштирок этаётган ёшлардан ўн нафарини ишга жалб этиш юзасидан келишиб олдик.

Акция доирасида ёшлар тегишли тадбиркорлик субъектларида “Уста-шогирд” анъаналарига асосланган малака ошириш ва амалий тажрибасини ўрганиш имконига эга бўлди.

**Сайёра ШОЕВА,**
**ЎзА мухбири.**

Наманган Вилояти

**Қишлоқ фуқаролар йиғинимизда 4500 дан ортиқ хонадон бўлиб, уларда 20 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Аҳолининг асосий қисми деҳқончилик, чорвачилик, боғдорчилик юмушлари билан шуғулланади.**

## ҚИШЛОҒИМИЗ ОБОД, ҚИШЛОҚДОШЛАРИМИЗ БУНЁДКОР

Кейинги йилларда томорқачиликни ривожлантиришга қаратилган эътибор боис, аҳоли томонидан етиштирилаётган ноз-неъматлар қишин-ёзин нафақат ўзимизнинг, балки шаҳар аҳолисининг дастурхонларини ҳам тўлдирмоқда. Томорқадан келаётган даромад эвазига қишлоқдошларимизнинг турмуш фаровонлиги ошиб бормоқда.

Норинкапалик тадбиркорларнинг саъй-ҳаракати билан кейинги йилларда қишлоқ кўркига кўрк қўшадиган замонавий бинолар бунёд этилмоқда. Натижада аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш турлари кўпайиб, қўшимча иш ўринлари яратилмоқда. Масалан, тадбиркор Нурмуҳаммад Рўзиев “Акфа” ром-эшиклари тайёрлаш цехи, Валижон Ҳакимов тикувчилик цехи ҳамда эркаклар ва аёллар сартарошхонаси, Собитхон Эсонбобоев эса минимаркет биноси қуриб, фойдаланишга топширди. Тадбиркор Баҳодиржон Қувватовнинг саъй-ҳаракатлари билан бунёд этилган минифутбол майдони эса қишлоқ ёшларининг севимли масканига айланди.

Айни пайтда қишлоқ ҳудудида тўртта умумтаълим мактаби, битта касб-ҳунар коллежи, тўртта қишлоқ врачлик пункти фаолият кўрсатмоқда. Намунавий лойиҳалар бўйича қад ростлаган замонавий турар-жой бинолари Норинкапа чиройини очиб, қишлоққа шаҳар ҳуснини бағишлаб юборди, десак асло муболаға бўлмайди, албатта.

**Хусанбой ҚЎЧҚОРОВ,**
**Норин туманидаги**
**Норинкапа ҚФЙ раиси.**

9 май ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ

## ХОНАДОНИ ДОИМ ГАВЖУМ ОТАХОН

*Андижон шаҳридаги “Пахтакор” маҳалласида истиқомат қилаётган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси 92 ёшли Жамолиддин ота Насриддиновнинг хонадони байрам арафасида янада гавжум.*

“Нуроний” жамғармасининг шаҳар бўлими, “Камолот” ЁИҲ вакиллари, маҳалла фаоллари, таниш-билишлар ҳол-аҳвол сўраб келмоқда. Йўқлагувчилар дийдоридан отахоннинг қувончи чексиз.

— Дориломон кунларда кечаётган осуда ҳаётимиз, оилаларимиз фаровонлиги, ёшларимиз камолоти, биз, фахрийларга кўрсатилаётган юксак эътибор ва катта ғамхўрлик учун Юртбошимизнинг умри бундан-да зиёда бўлсин, — дея мудом дуога қўл очади отахон.

**СУРАТДА:** *андижонлик Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Жамолиддин ота Насриддинов хонадонида.*

**Х.АРАББОЕВ (ЎзА) олган сурат.**



Тошкент Вилояти

▼ ФЕРМЕРЛАР КЕНГАШИ ФАОЛИЯТИ

# ҲУҚУҚИНИ БИЛГАН МАНФААТИНИ ҲИМОЯ ҚИЛАДИ

**Тошкент вилояти фермерлар кенгаши томонидан Президентимизнинг “Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ижросини таъминлаш юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Барча туман кенгашлари тўлиқ шакллантирилиб, улар зарур воситалар ва жиҳозлар билан таъминланди. Фермерлар кенгаши фаолиятини намунали йўлга қўйиш чоралари кўрилаяпти. “Кўп тармоқли фермер хўжаликларини ташкил қилиш бўйича чора-тадбирлар” Дастури ишлаб чиқилди ва унга асосан ишлар ташкил этилмоқда.**

**Қаҳрамон АБСАЕВ,**
*Тошкент вилояти фермерлар кенгашининг ҳуқуқий масалалар бўйича бош мутахассиси.*

Фермер хўжаликларининг кейинги уч йиллик фаолияти таҳлил қилиниб, уларнинг шартномавий мажбуриятларга бўлган муносабатига баҳо берилди. Вилоят ва туман фермерлар кенгашлари аъзолари, вакиллар, тажрибали мутахассислар ишчи гуруҳлар таркибига киритилиб, ҳар бир хўжаликнинг шароитидан келиб чиққан ҳолда агротехник тадбирлар белгиланган ва уларнинг ижроси назоратга олинган. Хусусан, хандақ қазиш, гўнг чиқариш, ғалла майдонларини пайҳонга қарши четан билан ўраш, озиқлантириш, боғ ва токзорлардаги ишлар Кенгаш диққат марказида бўлмоқда.

Деҳқон бозорларидаги нарх-навони камайтириш ва рақобатни юзага келтириш мақсадида туманларда Кенгаш бозорларини ташкил этишга киришилди. Зангиота туманида ҳокимлик билан келишган ҳолда 50 сотих ер майдонида Зангиота тумани фермерлар кенгаши бозорини қуриш ишлари олиб борилмоқда.

Кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш Дастурига асосан 2013 йилда 2196 та шундай хўжалик юритувчи объектларда 12 мингдан ортиқ янги иш ўринларини ташкил этиш белгилаб олинган. Жумладан, сервис хизмати кўрсатиш соҳасида 2221 та, қайта ишлашда 487 та, қорамолчиликда 595 та, паррандачиликда 343 та, балиқчиликда 248 та, асаларичилик йўналишларида 118 та янги иш ўринлари ташкил қилиниб, уларга асосан касб-ҳунар коллежларини битирган ёшлар қабул қилинади. 11 та фермер хўжалигида 70 гектар интенсив боғ ташкил қилиниб, 105 та иш ўрни вужудга келтирилади. 36 та фермер хўжалигига 1229 бош қорамоллар келтирилиб, 160 та иш ўрни яратилади. 17 та фермер хўжалигида 105500 та парранда боқиш йўлга қўйилиб, 71 та иш ўрни очилади.

Фермерлик ҳаракатини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш учун қишлоқ мулкдорларининг ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги малакалари ҳамда билимларини мустаҳкамлаш чоралари кўрилмоқда. Шу жумладан, хорижий давлатлар фермерлари билан тажриба алмашишни йўлга қўйиш бўйича ўқув семинарлари ўтказилмоқда. Зангиота туманида шу йўналишда Республика кўргазмали семинарини ўтказиш режалаштирилмоқда.

Президентимизнинг юқорида тилга олинган Фармонида кўрсатилган вазифалар ижросини таъминлашга вилоят фермерлар кенгашининг ҳуқуқий масалалар бўйича сектори томонидан алоҳида диққат-эътибор қаратилмоқда. Жумладан, барча туман ҳокимликлари ҳузурида тузилган “Туманда ер участкаларини қишлоқ ва ноқишлоқ хўжалиги мақсадлари учун танлаш ва ажратиш” бўйича доимий ишловчи комиссия таркибига туман фермерлар кенгашлари раисларини киритиш масаласи кўтариб чиқилди. 2012 йилда пахта контрактация шартномаларини бажармаган фермер хўжаликлари томонидан келгусида шундай нуқсонга йўл қўйилмаслиги ҳамда бундай ҳолатларнинг олдини олиш юзасидан барча туманлар фермерлар кенгашларида чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, ижроси назоратга олинди. Супер элита, элита ва кейинги авлодларга мансуб уруғлик ғалла ҳамда пахта етиштириш ҳуқуқига эга бўлиш учун хўжаликлар ўртасида танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомга қўшимчалар, вилоят “Ўздавуруғназорат” инспекцияси ва “Пахта уруғчилиги” бирлашмаси иш тартибига ўзгартиришлар киритиш юзасидан тегишли идораларга таклифлар билан мурожаат қилинди.

Фармонга асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2012 йил 29 декабрда қабул қилинган қарор ижроси юзасидан қишлоқ хўжалик соҳасидаги корхона ва ташкилотлар мутасаддиларига фермер хўжаликлари билан тузиладиган шартномаларда туман фермерлар кенгашининг шартномавий-ҳуқуқий муносабатлар бўйича бош мутахассиси иштироки таъминланиши зарурлиги билдирилди. Бошқача ҳолатда фермер хўжаликлар билан тузилган шартномаларни ҳақиқий эмас деб топиш юзасидан хўжалик судига даъво аризалар киритилиши масаласи вилоят “Пахтасаноат” ХАБ, “Қишлоқхўжаликкимё” ҲАЖ, “Тошкентдонмахсулотлари” ОАЖ, “Ғалла-Алтег” ОАЖ ва “Оҳангарондон” ОАЖ корхоналари раҳбарларига маълум қилинди.

Фермер хўжаликлари раҳбарларининг ҳуқуқий масалалар бўйича ариза ва мурожаатлари юзасидан ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, Оққўрғон туманидаги “Эргаш Саиджаҳон” фермер хўжалиги билан “Тошкентдонмаҳсулотлари” ОАЖ ўртасида 2011 йилда тузилган контрактация шартномаси мажбуриятлари қайта ишлаш корхонаси томонидан бажарилмаганлиги, яъни 9.797.267 сўм миқдорида қарздорлик юзага келганлиги ва бу маблағ зудлик билан тўлаб берилиши шартлиги ёзма равишда тушунтирилди. Шундан сўнг жамият томонидан “Эргаш Саиджаҳон” фермер хўжалиги ҳисобрақамига қайд этилган сумма тўлаб берилди.

Зангиота туманидаги “Ашрап ота” фермер хўжалиги раҳбарининг қуриб битказилган 2 қаватдан иборат савдо дўконига эгалик ҳуқуқи берилмаётганлиги хусусидаги аризаси қонуний тартибда ҳал этилиши юзасидан вилоят Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизматига, туман ҳокимига вилоят фермерлар кенгаши номидан расмий хат билан мурожаат қилинди. “Ашрап ота” фермер хўжалигига вилоят фермерлар кенгаши томонидан ҳуқуқий ёрдам кўрсатилиб, қуриб битказилган бино ҳужжатлари расмийлаштирилмоқда. Шу тумандаги “Алишер Файз Мурувват” фермер хўжалиги туман Давлат солиқ инспекцияси томонидан 5 йиллик фаолияти текширилиб, ноқонуний далолатномалар тузилиб, молиявий жарима қўллашни сўраб, вилоят хўжалик судига даъво киритганлиги хусусидаги хўжалик раҳбарининг мурожаатига кенгаш томонидан ҳуқуқий хизмат кўрсатилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг кассация инстанциясига шикоят киритилди. Ушбу фермер хўжаликларининг манфаатларини кўзлаб, вилоят Давлат солиқ инспекциясига ва молия бошқармасига Зангиота тумани Давлат солиқ инспекциясининг текширишлари ноқонуний тартибда ўтказилиб, нотўғри тузилган далолатномалари кўриб чиқилиши ва қонуний ечим топилишида амалий ёрдам берилиши сўралиб, расмий хатлар билан мурожаат этилди.

Президентимизнинг юқорида таъкидланган Фармони талабидан келиб чиқиб, фермер хўжаликларнинг манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бўйича уларнинг тайёрлов, таъминот ва хизмат кўрсатувчи корхона, ташкилотларда бўлган 237,6 миллион сўмдан зиёд ҳақларини ундириш юзасидан кенгаш томонидан вилоят хўжалик судига давлат божи тўланмасдан 17 та даъво аризалари киритилди. Шу билан бирга, кенгаш томонидан фермер хўжаликларининг ҳақдорлиги бўйича корхона ва ташкилотлардан 2 миллиард 239 миллион сўм асосий қарздорликни ҳамда унга ҳисобланган пеняларни ундириш бўйича талабномалар киритилиб, ундириш чоралари кўрилмоқда. Вилоят, туман фермерлар кенгашлари томонидан уч юздан ортиқ қишлоқ мулкдорларига муаммолар ечимини топиш бўйича ҳуқуқий ёрдам ва хизматлар кўрсатиб келинмоқда.

# МУШТАРАК МАҚСАДЛАР РЎЁБИ

## ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИККА ХИЗМАТ ҚИЛИШ МАҚСАДИ БАНК ВА ТАДБИРКОРНИНГ МУСТАҲКАМ ҲАМКОРЛИГИДА ЮЗАГА ЧИҚМОҚДА

O'ZSANOATQURILISHBANK

**Ҳар қандай тараққиёт асосини молиявий барқарорлик ташкил этади. Шу боис, мамлакатимизда истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида юртимиз иқтисодиётини мустаҳкамлаш, аҳоли фаровонлигини таъминлаш мақсадида изчил ислоҳотлар олиб борилмоқда. Натижада республикамизда барча соҳаларда улкан муваффақиятлар қўлга киритилиб, молиявий кўрсаткичлар йилдан-йилга жадал суръатларда ўсиб бормоқда. Ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ортиб, экспортбоп маҳсулотлар тайёрлаш тури ва салмоғи ошмоқда.**



Айниқса, бу жараёнда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари улуши юқори бўлаётир. Мамлакатимизда фаолият юритаётган тижорат банклари эса янги корхоналар ташкил этиш, истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш, қўшимча иш ўринлари яратиш орқали аҳоли турмуш фаровонлигини тобора яхшилашда хусусий сектор вакилларининг ишончли ҳамкори, яқин кўмакчисига айланмоқда. Бу борада республикамизнинг етакчи молия муассасаси – "Ўзсаноатқурилишбанк" ОАТБ томонидан олиб борилаётган ишлар ҳам муҳим аҳамият касб этаётир.

Банк томонидан "Обод турмуш йили" Давлат дастури доирасида тадбиркорлик фаолиятини бошлаш, такомиллаштириш истагида бўлган ишбилармонлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларга ўз бизнесларини ривожлантириш йўлидаги саъй-ҳаракатларини юзага чиқаришлари учун зарур маблағлар йўналтириш юзасидан қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, 2013 йилда ушбу мақсадлар учун ажратилиши лозим бўлган кредитлар миқдори ўтган йилга нисбатан 1,3 баробарга оширилди. Иқтисодиётнинг реал секторида фаолият юритаётган кичик бизнес субъектларига 484 миллиард сўм миқдорида кредит ажратиш кўзда тутилди. Жорий йилнинг ўтган даврида амалга оширилган ишлар эса режадагига кўра устунликни ташкил этди. Яъни хусусий сектор вакиллари учун 113,2 миллиард сўм миқдорида маблағ ажратилиб, прогноз 103 фоизга бажарилди. Муҳими, иқтисодиётнинг турли тармоқларини ривожлантиришга йўналтирилган ушбу маблағлар 2745 та янги иш ўрни ташкил этиш имконини яратди.

– 2012 йилда "Ўзсаноатқурилишбанк" ОАТБнинг Самарқанд минтақавий филиалидан паррандачиликни ривожлантириш мақсадида 2 йил муддатга имтиёзли кредит олдик, – дейди Самарқанд туманидаги "TEPALIK ZAMIN BUNYOD" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Шаҳбоз Наимов. – Ушбу молиявий кўмак эвазига 15 мингта жўжа ҳамда етарли миқдорда омихта ем харид қилдик. Ишни тўғри ташкил этиб, маҳсулот олиш ҳажмини секин-аста оширишга эришдик. Айни пайтда корхонамиз йилига 30 минг дона товуқ етказиб бериш қувватига эга. Корхонамизда фаолият олиб бораётган 10 нафар ишчининг 6 нафарини касб-ҳунар коллежи битирувчилари ташкил этади. Келажакда банк билан ўзаро ҳамкорлигимизни янада кучайтириш, имтиёзли кредит линияларидан фойдаланган ҳолда корхонамизга чет эл технологиясини жалб этиш орқали ишлаб чиқариш қувватини ошириб, истеъмол ва саноат эҳтиёжлари учун йилига 400 мингта жўжа, 100 мингта тухум етказиб бериш ниятидамиз. Албатта, мазкур режани амалга оширишда ҳам "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг молиявий мадади қўл келишига ишонамиз.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда мамлакатимизда тадбиркорларга ҳар томонлама қулай шарт-шароитлар яратиб беріляпти. Саноатни ривожлантириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, маҳсулот сифатини яхшилаш учун замонавий технологияларни амалиётга жорий этишга алоҳида аҳамият қаратиляпти. Шу мақсадда кичик бизнес субъектларига берилаётган солиқ ва божхона имтиёзлари тадбиркорлар фаолиятида катта имконият ва ғамхўрликлар ифодаси сифатида эътироф этилаётган бўлса, тижорат банклари томонидан йўналтирилаётган сармоялар уларнинг тўлиқ оёққа туриб кетишлари, қийинчиликсиз фаолият юритишларида пойдевор вазифасини ўтамоқда. "Ўзсаноатқурилишбанк" мазкур жараёнда ўзининг замонавий ва сифатли хизматлари билан юртимиз тадбиркор ва ишбилармонларининг ишончли ҳамкори сифатида яққол намоён бўлмоқда.

– Корхонамизда металл буюмларга турли хил шаклда ишлов берилади, – дейди Чилонзор туманидаги "AVS AGRO VATANPARVAR" МЧЖ раҳбари В.Эккерт. – Ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатини ошириш, корхонанинг тўла қувват билан ишлашини таъминлаш учун бизда молиявий кўмакка эҳтиёж сезилди. Шу боис, ўтган йили "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг Тошкент шаҳар Чилонзор филиалига мурожаат қилдик. Таклифимиз банк томонидан маъқуллангач, ажратилган имтиёзли кредит эвазига Хитойдан замонавий дастгоҳлар олиб келдик. Натижада корхонамизнинг ишлаб чиқариш қуввати ва савдо ҳажми янада ортди. Қисқа муддатда ўз айланма маблағимизни кўпайтириш, иқтисодий салоҳиятимизни ошириш имкониятига эга бўлдик. Шу боис, фаолият кўламимизни кенгайтириб, юртимиз аҳолисига замонавий ва сифатли мебеллар ишлаб чиқарувчи корхоналар учун ярим тайёр маҳсулотлар етказиб беришни йўлга қўйдик.

Хулоса қилиб айтганда, "Ўзсаноатқурилишбанк" ОАТБ тизимида олиб борилаётган ишлар замирида хусусий сектор фаолиятини янада такомиллаштириш, тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, пировардида, аҳолининг обод турмуш тарзи ва фаровонлигини таъминлашдек эзгу мақсадлар мужассам.

**Шодиёр ЙЎЛДОШЕВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Сирдарё Вилояти

AGROBANK

**Юртимизда давлатимиз раҳбари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини ҳамда деҳқон ва фермер хўжаликларини янада ривожлантиришга қаратилаётган эътибор ва ғамхўрлик натижасида тадбиркору фермерларнинг истиқболли ҳамда инновацион лойиҳалари тижорат банклари орқали молиявий рағбатлантирилиб, пировардида, мамлакат иқтисодиётининг барқарорлиги таъминланишига эришилмоқда. Бу эса аҳоли фаровонлигининг яхшиланиши ҳамда даромадларининг ошишига хизмат қилмоқда.**

# БАНК САРМОЯСИ ФЕРМЕР ҚАНОТИ

Яқинда пойтахтимизда бўлиб ўтган "BANKEXPO-2013" миллий кўргазмасида ҳам тижорат банклари томонидан кўрсатилаётган хизматларнинг янги, замонавий ахборот технологиялари, яъни интернет банкинг, мобайл банкинг, пул ўтказмалари, пластик карталар билан ишлаш ва унинг афзалликлари намойиш этилгани тадбиркору фермерларда катта таассурот қолдирди. Бу ҳам соҳанинг янада ривожланишига омил бўлмоқда.

Шунингдек, Тошкентда жорий йилнинг 24-26 апрель кунлари "Ўзэкспомарказ" павильонларида ташкил этилган VI Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар Республика ярмаркасида ҳам "Агробанк" фаол қатнашиб, мижозлар учун барча турдаги банк хизмат турлари бўйича ахборот бериб, тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб борди.

Умуман олганда, "Агробанк" ОАТБ томонидан бугунги кунда қишлоқ хўжалик корхоналарида, хусусан, деҳқон ва фермер хўжаликларида кўп тармоқлилик ва саноатни тараққий эттириш ҳамда уларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган замонавий корхоналарни барпо этишга кўмаклашиш мақсадида сармоялар йўналтирилмоқда. Асосийси, кредитлар эвазига кўплаб янги иш ўринлари яратилмоқда. Оилаларнинг яшаш тарзи яхшиланиб, рўзғорларига барака кирмоқда.

"Обод турмуш йили" Давлат дастурида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, "Агробанк" ОАТБнинг Сирдарё вилояти бошқармаси ва унинг 12 та туман филиали томонидан 10 мингдан зиёд мижозларга сифатли банк хизматлари кўрсатиб келинаётир. Бундан мижоз ҳам, банк ҳам бирдек манфаатдор бўлаётир.

Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги "Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ҳамда 2009 йил 28 январдаги "Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида ички бозорларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш учун 2013 йилнинг ўтган даври мобайнида банк томонидан 1 миллиард 534 миллион сўм, ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришга 2 миллиард 33 миллион сўм кредит маблағлари ажратилди.

— Президентимиз раҳнамолигида деҳқон ва фермер хўжаликларини янада такомиллаштириш ҳамда ривожлантиришга қаратилаётган эътибор туфайли биз каби фермерлар кўптармоқлиликни тараққий эттириб, яхши ютуқларга эришиб келмоқдамиз ва бундай натижаларга эришишда "Агробанк"нинг сифатли ва тезкор хизматлари бизга асқотмоқда, — дейди Янгиер шаҳридаги "Bobojonov G'ulomjon" фермер хўжалиги раҳбари Ғуломжон Бобожонов.

Албатта, бугунги фермер қишлоқда етакчи кучга айланиб бормоқда. Яъни фермер маҳсулот етиштирибгина қолмай, балки уни қайта ишлаб, ички истеъмол бозорини тўлдиришга, ҳатто экспортга йўналтиришга ҳам эришмоқда. Шунингдек, фермер нафақат ўз аъзолари оиласига, қўни-қўшни, маҳалласи, қишлоғига нафи тегмоқда.

— Молия муассасасининг Янгиер филиали томонидан чорвачиликни йўлга қўйиш учун бизга 60 миллион сўм кредит ажратилди, — дейди фермер. — Унга 12 бош зотли моллар сотиб олдик. Натижада 4 та янги иш ўрни яратдик. Шу билан бирга, халқимизни гўшт ва сут маҳсулотлари билан тўлароқ таъминлашни мақсад қилганмиз. Келгусида фаолиятимизни янада кенгайтириб, янги иш ўринларини кўпайтирмоқчимиз. Энг асосийси, турмушимиз фаровонлиги йўлидаги орзу-ниятларимиз рўёбга чиқмоқда. Бундан ташқари, фермер хўжалиги таркибида боғ ҳам ташкил қилинган.

Фермернинг боғида асосан узум, анор ва полиз маҳсулотлари етиштирилмоқда. Бу эса фермер хўжалигига қўшимча даромад келтирмоқда. Биргина мисол, ўтган йили мазкур фермер хўжалиги аъзолари узум, анор ва полиз маҳсулотлари етиштириб, ҳам рўзғори, ҳам халқимиз дастурхони тўкинлиги йўлида ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишди.

— Мана бир неча йилдирки, банк билан ҳамкорлик қилиб, фермер хўжалигимизда истиқболли ва қўшимча тармоқларни тараққий эттиришга астойдил бел боғлаганмиз, — дейди Мирзаобод туманидаги "Ғайрат Ўктамович" фермер хўжалиги раҳбари Ғайрат Самандаров. — Халқимизда шундай мақол бор: Меҳнат қилиб топганинг, қанду асал тотганинг. Бугунги кунда ҳар бир тадбиркору фермер вақтни ғанимат билиб, изланиб, интилиб янги-янги инновацион лойиҳалар тузиб, истиқболли тармоқларни тараққий эттиришга киришган.

Балиқчилик истиқболли тармоқ. Айниқса, балиқдан тайёрланган маҳсулотлар парҳезбоп бўлиб, инсон соғлиғига катта фойдаси бор. Яъни кўзни янада равшанлаштириб, организмни ортиқча ёғлардан сақлайди. Асосийси, аҳолини етиштирган маҳсулотимиз билан тўлароқ таъминлашга ўз ҳиссамизни қўшаётганимиздан мамнунмиз. Ана шуларни мақсад қилиб, банкнинг Наврўз филиалидан балиқчиликни ривожлантиришга 100 миллион сўм кредит олдик. Бунинг ҳисобига 4 нафар киши ишли бўлди. Ўтган йили ташкил этилган сунъий ҳовузга 20 минг дона балиқ чавоқларини ташладик. Балиқ чавоқларига ўз вақтида озуқасини бериб, парваришладик. Меҳнатимиз зое кетмади. Буни қарангки, 2012 йилда 12 тонна балиқ маҳсулотлари етиштирдик. Жорий йилда эса бу кўрсаткични 30 тоннага етказишни мўлжаллаяпмиз. Келажакда қилинадиган ишларимиз бисёр. Насиб этса, фаолиятимизни бундан-да кенгайтирмоқчимиз. Бу борада ҳам энг яқин ҳамкоримиз — "Агробанк"ка суянамиз.

Шунингдек, 2013 йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра, банкнинг туман филиаллари томонидан қишлоқ хўжалиги техникалари сотиб олишга 1 миллиард 860 миллион сўм, чорвачиликка 700 миллион сўм сармоялар йўналтирилди.

Мухтасар қилиб айтганда, Обод турмуш йилида "Агробанк" ОАТБнинг Сирдарё вилояти бошқармаси томонидан тадбиркору фермерларга ажратилаётган кредитлар замирида, аввало, аграр соҳани янада ривожлантириш, пировардида, юрт ободлиги ва оилалар фаровонлиги йўлидаги эзгу саъй-ҳаракатлар мужассамлашган.

**Озод ОЧИЛОВ**

○ Эълонлар

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди

# ГРАНТ ОЛИШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ТАНЛОВ МАВЗУСИ: ***"Қишлоқ ҳудудларини ижтимоий иқтисодий ривожлантириш дастурларини амалга оширишда, қишлоқ аҳолиси фаровонлигини янада юксалтиришда нодавлат нотижорат ташкилотларининг кенг иштирокини таъминлаш".***

**Танловда Ўзбекистон Республикасининг нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг қуйидаги йўналишлардаги лойиҳалари кўриб чиқиш учун қабул қилинади:**

— ижтимоий-маиший хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида оилавий бизнесни, хусусий тадбиркорликни, уй меҳнатини ташкил этиш ва ривожлантириш;

— кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш асосида аҳолига янги иш ўринларини яратиш ва ишга жойлаштириш;

— мини технологиялар ишлатиладиган қайта ишлаш корхоналарини ташкил этиш мақсадида ҳудудларнинг имкониятларини ўрганиб чиқишга кўмаклашиш, асослантирилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш ва уларни амалиётда қўллаш;

— ижтимоий ва бозор инфратузилмасини янада ривожлантириш, аҳоли турар жойларининг ободонлаштириш борасидаги ишларнинг кўламини янада кенгайтириш;

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

**1.** Жамоат фонди номига грант лойиҳаси тақдим этилаётганлиги ҳақидаги кузатув хати;

**2.** Жамоат фондининг www.fundngo.uz сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган грант олиш учун лойиҳаси ва унинг электрон варианти funduz@parliament.gov.uz; fundnno@parliament.gov.uz электрон манзилига;

**3.** Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси;

**4.** Низом нусхаси (ташкилот муҳри билан тасдиқланган ўзгариш ва қўшимчалар билан). Бундан ташқари, тақдим этилаётган ҳужжатларга манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг тавсияномаси ва мазкур лойиҳанинг қўллаб-қувватлаш хати илова қилиниши мумкин.

**Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори - 15 млн. сўмгача.** ННТларнинг ўз маблағларини жалб этилиши ва ижтимоий шериклик қўллаб-қувватланади.

Танловда давлат рўйхатидан ўтган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирок этишлари мумкин.

Ҳужжатлар оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган кундан бошлаб 2013 йил 1 июнь соат 18-00 га қадар қабул қилинади.

Танлов бўйича ҳужжатлар муҳрланган конвертда (А4 формат): «100035, Тошкент ш. Бунёдкор шоҳ кўчаси, 1-уй» манзилда жойлашган **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди** номига юборилиши шарт.

Танловда иштирок этиш шартлари ва танлов ҳужжатларининг намуналари билан Жамоат фондининг **www.fundngo.uz** расмий сайтида танишиш мумкин.

Маълумот учун тел: 239-26-76, 239-26-64.

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАР ДИҚҚАТИГА!

## МКТ «ВАТАНПАРВАР» ШАҲРИХОН АВТОМОБИЛЬ МАКТАБИ ВА АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҚУЙИДАГИ ИНШООТЛАРГА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

**Буюртмачи:** МКТ «Ватанпарвар» Шаҳрихон автомобиль мактаби.

*(Андижон вилояти Шаҳрихон шаҳар Чинобод кўчаси 37-уй, Тел: (998 74) 342-04-81)*

**МКТ «Ватанпарвар» Шаҳрихон автомобиль мактаби биноларини капитал таъмирлаш.**

Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан) – **342.992.220 сўм.**

Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚСсиз) – **285.826.850 сўм.**

Ишларни тугаллаш муддати – **134 кун.**

**Ишларни молиялаштириш:** бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

*Турар ва нотурар уй-жой биноларини капитал ва жорий таъмирлаш объектлари бўйича квоталар миқдори кичик бизнес субъектлари учун 100% ни ташкил қилади.*

**Буюртмачи:** Андижон Давлат тиббиёт институти.

*(Андижон шаҳар Ю.Отабеков кўчаси 1-уй, Тел: (998 74) 237-55-08, 237-54-33, 237-55-07)*

**Андижон шаҳар А.Фитрат кўчасидаги Андижон Давлат тиббиёт институти 2-ўқув кафедралари мавжуд биносини капитал таъмирлаш.**

Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан) – **225.567.490 сўм.**

Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚСсиз) – **187.972.910 сўм.**

Ишларни тугаллаш муддати – **90 кун.**

**Ишларни молиялаштириш:** бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

*Турар ва нотурар уй-жой биноларини капитал ва жорий таъмирлаш объектлари бўйича квоталар миқдори кичик бизнес субъектлари учун 100% ни ташкил қилади.*

**Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга:** танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга ва тажрибали, ишончли бўлишлари шарт.

Маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотлари танлов савдоларида қатнашаётганда танлов таклифларини баҳолашда маҳаллий талабгорларга қуйидаги нарх кўрсаткичлари ҳисобга олинади. Қатнашчиларнинг танлов таклифларини баҳолаш ва ўтказишда қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларнинг таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси **Андижон вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази**га қуйидаги манзил бўйича мурожат этишлари мумкин: Андижон ш. Чинобод кўчаси 59-уй, Тел.-факс: 226-72-02.

Бир тўплам танлов ҳужжатларини нархи: **70 000 сўм.**

Таклифлар (офёрталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (офёрталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати офёрталар очилиш куни ва соати, танлов савдолари матбуотда эълон чоп этилган санадан 30 кун ўтганидан сўнг юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

*ҲУРМАТЛИ ВА АЗИЗ ҲАМЮРТЛАР!*

# АУКЦИОН САВДОЛАРИГА МАРҲАМАТ!

**1. "Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи" унитар корхонаси билан ҳамкорликда 2013 йил давомида, яъни ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари соат 10:00 да ташкил қилинадиган "Аукцион" савдоларига корхона ҳисобидаги наслли қизил чўл зотига мансуб 1000 (бир минг)га яқин қорамоллар (6 ойдан 2 ёшгача бўлган оғирлиги 150-450 кг.)ни савдога чиқаради. "Аукцион" савдолари Бухоро вилояти Қоровулбозор тумани маданият саройи биносида бўлиб ўтади.**

**Бошланғич баҳоси:** 1 кг. тирик вазни 13500 (ўн уч минг беш юз) сўм.

Мулк учун тўловлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади.

"АУКЦИОН" савдоларида иштирок этиб мулкдор бўлиш истагидаги талабгорлар "Аукцион ташкилотчиси" "UNIVERSAL MULK SAVDO" МЧЖга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари шарт:

— Кўрсатилган мулкни сотиб олиш истагида савдода иштирок этиш учун белгиланган шаклдаги буюртманома;

— Закалат пули тўғрисида келишув битимининг бир нусхаси;

— "Аукцион ташкилотчиси"нинг реквизитлари: СТИР 302398072, МФО 00115 ОАТБ "Қишлоқ қурилиш банк" Бухоро минтақавий филиалидаги 20208000005000525001 ҳисоб-рақамига (ёки кассасига) объект бошланғич баҳосининг 10 % (ўн фоиз) миқдоридаги гаров пуллари тўлаганликлари тўғрисидаги тўлов ҳужжатининг асл нусхаси;

**Харидорнинг ҳуқуқий ҳужжати:**

Жисмоний шахслар учун: Фуқаролик паспортининг нусхаси;

Юридик шахслар учун: Давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи ҳужжат ва Уставининг нотариал тасдиқланган нусхаси.

**Харидорнинг ҳуқуқий ҳужжати:**

Жисмоний шахслар учун: Фуқаролик паспортининг нусхаси;

Юридик шахслар учун: Давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи ҳужжат ва Уставининг нотариал тасдиқланган нусхаси.

— Савдода талабгорнинг вакили иштирок этса белгиланган тартибдаги ишончноманинг асл нусхаси.

Закалат пулларининг киритилиши "АУКЦИОН" савдолари бошланишидан бир соат олдин, Буюртманомаларни қабул қилиш "АУКЦИОН" савдолари ўтказилиши белгиланган санадан 1 кун олдин тўхтатилади.

**Буюртманомаларни қабул қилиш ҳамда Сизларни қизиқтирган барча саволлар бўйича қуйидаги манзилларга мурожаат қилишингиз мумкин:**

"Аукцион ташкилотчиси" — "UNIVERSAL MULK SAVDO" масъулияти чекланган жамияти.

**Манзили:** Бухоро шаҳар Ҳамза кўчаси 6-уй. 2-қават 26-хона. Тел: (8-365) 223-50-89, (+99890) 745-25-25.

Частное предприятие "ROHILA SERVIS" (ИНН 206978474) М.Улугбекского р-на г. Ташкента, сообщает о своей реорганизации в форме преобразования в ООО "ROHILA TRANS SERVIS".

Утерянный план квартиры, расположенной по адресу: г. Ташкент М.Улугбекский р-н ул. Х.Абдуллаева д. 62 кв-ра 43, выданный М.Улугбекским БТИ на имя Джаббарова Илёса Гуламовича, считать недействительным.

Требуется аудитор для проверки финансово-хозяйственной деятельности ООО "DELTA LEASING" до 15.05.2013 г. Оплату гарантируем. Контактный номер: +99871 245-02-61, +99871 245-02-64.

ЧП "MIRJAMOL KAMOL SAVDOSI" (ИНН 301067421), зарегистрированное в Хамзинском р-не г. Ташкента, на основании решения учредителя за № К-2 от 06.05.2013 г. путем преобразования и правопреемства изменяет организационно-правовую форму на ООО и увеличивает Уставный фонд предприятия с 1 652 700 сум до 16 652 700 сум. Претензии принимаются по адресу: г. Ташкент Хамзинский р-н ул. Фаргона йули д. 9 кв-ра 25 или по тел.: 927-83-13.

Тошкент ш. Миробод т. ҳокимияти ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан "SHOXI-NAVVAT" МЧЖ (ИНН 204134956) номига берилган гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

"ATLAS BUILDING" МЧЖ (ИНН 302356282), расположенное по адресу: Хамзинский р-н ул. Мўйноқ 4 проезд д. 15А, зарегистрированный ИРСП Хамзинского р-на от 30.07.2012 г. № 004010-07, ликвидируется. С момента гос. регистрации финансово-хозяйственную деятельность не проводили. Решение о добровольной ликвидации Приказ № 1 от 06.05.2013 г. Претензии принимаются в течение 2-х месяцев по тел.: 292-57-86.

"ZAFAR MAXKAM SERVIS" МЧЖнинг Устав жамғармаси 10 209 978 сўмдан 3 200 000 сўмгача камайтирилади.

Тошкент ш. Учтепа т. ТСРЎИда (22.05.2012 й., реестр № 0111654) рўйхатдан ўтган якка тартибдаги тадбиркор Рустамова Мавлюдага (ИНН 447736732) тегишли думалоқ муҳр ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ООО "CHAMAN BIZNES", зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Чиланзарского р-на г. Ташкента, расположенное по адресу: ул. Бунёдкор шох д. 42, ликвидируется (решением учредителя № 6.05.2013 г.). Претензии принимаются в течении 2 месяцев с момента опубликования данного объявления по тел.: 650-41-84.

ООО профессиональная управляющая компания "IST-SAID SERVIS" (ИНН 207035357) зарегистрированное ИРСП Чиланзарского р-на г. Ташкента, расположенное по адресу: г. Ташкент ул. Чупонота 10 в, объявляет о своём присоединении к ООО профессиональной управляющей компании "JASMIN KOMMUNAL SERVIS" (ИНН 207163490), зарегистрированной той же инспекцией. Адрес: г. Ташкент м. Чиланзар-2, 15А. Претензии принимаются в течение 2 месяцев с момента опубликования данного объявления.

Утерянный план квартиры, расположенного по адресу: Себзор Ц 17-18 д. 10 кв-ра 21, выданный Алмазарским БТИ на имя Умарова Рустама Мамарасуловича, считать недействительным.

ООО "GRAND MANZUR GROUP" (ИНН 302416144) зарегистрированное ИРСП Учтепинского р-на (08.11.2012 г., реестр № 005446-01), сообщает об уменьшение уставного фонда зарегистрированного с 253 242 500 сум до 6 500 000 сум. Адрес: ул. Фархадская д. 21.

**Вниманию руководителей организаций и предприятий!**
ИКСЕЗ ТАШОБЛХОКИМИЯТА уведомляет о том, что объявление, опубликованное в газете «Кишлок хаёти» № 49 (8130) 19.04.13 года, считать недействительным.

Қорақалпоғистон Республикаси

# ЗАМОНАВИЙ КУТУБХОНА ХИЗМАТИ

## АҲОЛИГА СИФАТЛИ ВА ТЕЗКОР АХБОРОТ ЕТКАЗИШДА ҚЎЛ КЕЛМОҚДА

**Шиддат билан ўзгараётган тараққиёт боис ахборотга бўлган эҳтиёж ошиб бораётир. Бу эса кутубхоначилик тармоғига ҳам замонавий ахборот технологияларни олиб кириш, хусусан, турли шаклдаги замонавий хизмат кўрсатишни талаб этади. Ушбу мақсадларга эришишда Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилда қабул қилинган “Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида”ги Қонуни муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.**

Бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги 73 та Ахборот-ресурс марказида миллий ва хорижий нашрларнинг (босма, электрон) фонди шакллантирилган бўлиб, уларни сақлаш ва самарали фойдаланиш учун барча шароитлар яратилган. Айни пайтда Ахборот-ресурс марказлари фонди 602769 нусхадан иборат. Уларнинг электрон каталоги эса 21 мингдан зиёд ёзувни ташкил этади. Бундан ташқари, Ахборот-ресурс марказларининг фондлари асосида электрон нашрларни яратиш ишлари ҳам амалга оширилмоқда.

– Барча Ахборот-ресурс марказлари кутубхоналари ZiyoNET тармоғидан фойдаланиш имкониятига эга, – дейди Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Ахборот-ресурс маркази директори Зулфия Сейтниязова. – Ёш дастурчиларни тайёрлаш ва қўллаб-қувватлаш маркази билан ҳамкорликда жойларда ахборот-кутубхона жараёнини автоматлаштиришнинг миллий тизими жорий этилмоқда.

Марказимизда соҳа ходимларининг касбий малакасини ошириш мақсадида мутахассислар иштирокида тренинг машғулотлари ўтказилиб келинмоқда. Ушбу тадбирларда Ахборот-ресурс марказларининг аҳолига янгича хизмат кўрсатиш тажрибалари ўрганилиб, ишларни ташкил этиш ва шакллантириш, Интернет тармоғидан ҳамда компьютер технологияларидан самарали фойдаланиш борасида назарий билимлар берилаётир. Бундан ташқари, Ахборот-ресурс марказлари фаолиятини юритиш бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, соҳага оид янгиликлар, хусусан, кутубхоначиликда маркетинг тушунчаси, реклама ва услубий ишларни такомиллаштириш, ахборот-библиографик ва маълумотнома ишлари, инновацион фаолият хусусида маълумотлар берилмоқда.

Бугунги кунда марказда китобхонларни янги нашр этилаётган китоблар, кутубхона фондига келиб тушаётган электрон адабиётлар билан мунтазам таништириб



Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ (ЎзА) олган сурат.

бориш йўлга қўйилган. Шунингдек, ўқувчилар иштирокида «Китоб менинг дўстим», «Компьютер менинг ҳаётимда», «Маънавият ҳафталиги», «Энг яхши китобхон», «Болалар ва ўсмирлар китобларининг ҳафталиги» мавзусида турли тадбирлар, давра суҳбатлари, муҳим саналарга бағишланган кечалар, муаллифлар билан учрашувлар ўтказилиб келинмоқда. Бундай тадбирлардан кўзланган мақсад ёш авлоднинг қалби ва онгига миллий қадриятларимизни сингдириш, урф-одатларимизга ҳурмат туйғусини уйғотиш, бир-биримизга бўлган дўстликни мустаҳкамлаш, оилавий ҳаётга тайёрлаш, соғлом ва баркамол бўлиб етишини таъминлашдан иборат. Шунингдек, бу ёшларнинг қобилият ва қизиқишини аниқлаш, дарсдан бўш вақтларини фойдали ўтказиш имкониятини ҳам беради. Эътиборли жиҳати шундаки, ўтказилаётган бундай тадбирлар ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Жумладан, Нукус туманидаги 1-умумтаълим мактабининг 9-синф ўқувчиси Айсара Реимбоева Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Ўқув-методика маркази, Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда ўтказилган «Китобхонлар» танловининг II босқичида ғолибликни қўлга киритган бўлса, Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган якуний босқичда ҳам иккинчи ўринни эгаллади.

Марказнинг информацион технология ва Интернет синфлари бўлими замонавий информацион технологиялар билан жиҳозланиб, Интернет тармоғига уланган. Бу ерда барча китобхонлар давлатимизнинг интернетдаги етакчи таълим порталларидан фойдаланиш имкониятига эга. Китобхонларнинг талаб ва эҳтиёжлари ўрганилиб, қорақалпоқ, ўзбек, рус, инглиз тилларидаги таълим жараёнига оид маърузаларнинг сканерлаш йўли билан 60 номдаги бир нусхали, кўп сўраладиган адабиётларнинг электрон нусхалари яратилди. Бугунги кунда республика миқёсида ўтказилаётган илмий конференциялар, семинарлар, онлайн учрашувлар ва форумларда марказ ходимлари фаол иштирок этиб, кутубхоначилик соҳасидаги сўнгги янгиликлар, электрон каталоглар яратиш усулларидан амалиётда кенг фойдаланмоқда.

**Давуд АБИБУЛЛАЕВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**



# ҚУТЛАЙМИЗ!

3 МАЙ КУНИ ПОЙТАХТИМИЗДАГИ «ТУРКИСТОН» САРОЙИДА ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА «ОЛТИН ҚАЛАМ» VIII МИЛЛИЙ МУКОФОТИ УЧУН ХАЛҚАРО ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ ВА СОВРИНДОРЛАРИНИ ТАҚДИРЛАШГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМ БЎЛИБ ЎТДИ.

*Ғолиблар қаторида таҳририятимиз вакили ҳам борлиги ғоят қувончлидир. “Қишлоқ ҳаёти” газетаси Бош муҳаррири ўринбосари* ***Анвар Қулмуродов*** *“Мустаҳкам оила йили” ва “Обод турмуш йили” Давлат дастурлари ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишлар кенг ёритилган мақолалари учун босма оммавий ахборот воситаларидаги энг яхши журналистик материал учун ўтказилган танловда учинчи ўринга лойиқ кўрилди.*

*Ҳамкасбимизни мазкур муваффақият билан газета таҳрир ҳайъати, ижодий жамоаси ва кўп сонли муштарийлари номидан қизғин, самимий муборакбод этамиз.*

○ Реклама ва эълонлар















15.04.2013 й.даги 10-1310/6760-сонли “COMLECT PRODUKT” МЧЖ Тошкент ш. Хўжалик судининг Ажримига асосан банкрот деб иш юритиш учун қабул қилинганлиги сабабли кредиторларнинг 1-чи йиғилиши 31.05.2013 й. соат 11-30да Тошкент ш. Сергели т. Спутник-2 70-уй ва 03.06.2013 й. куни соат 10-00 да Тошкент ш. Хўжалик суди биносида суд мажлиси ўтказилади. Мурожаатлар бир ой давомида Тошкент ш. Сергели т. Спутник-2 70-уй манзилида қабул қилинади.

Тошкент ш. Бектемир т. ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан (26.11.2012 й., реестр № 001248-02) рўйхатга олинган “ELGA XIZMAT ULGURJI” шуъба корхонаси (СТИР 302427107) корхона таъсисчисининг буйруғига асосан тугатилади. Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой муддатда 178-39-52 телефон рақамида қабул қилинади.

“QUALITY CELLULAR” МЧЖ номига берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ООО “MURODU MAQSAD” (ИНН 203361414), зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Хамзинского р-на (№ 000571-07, 14.03.2011 г.) расположенное по адресу: ул. Машхадий, д. 26, ликвидируется (протокол собрания учредителей № 1 от 03.05.2013 г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня публикации объявления по тел.: 368-03-61.















Утерянную справку № 2450 от 29.06.2011 г. (форма 18) на помещение по адресу: г. Ташкент М.Улугбекский р-н ул. Буюк ипак йули д. 434 (проектная Г-40) кадастр 186-2008, выданную на ООО “AL-MUG”NIY START”, считать недействительной.

ООО “CLASSIC AVTO PLANET” (ИНН 302259498), зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Зангиатинского р-на г. Келес Ташкентской обл. (реестр № 3942, 04.04.2012 г.), расположенное по адресу: Зангиатинский р-н Чаштепа ҚФЙ ул. Чимкент йули д. 2, ликвидируется (решение от 06.05.2013 г.). Претензии принимаются в течение 2 месяцев со дня публикации объявления.

Утерянную гувохному ТА 1143289 (10358-82) на офис по адресу: Мирабадский р-н Куйлюк-2 д. 23 кв-ра 1, выданную 25.02.2011 г. “Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси” на имя Юсупова Рахимберди Бекназаровича, считать недействительной.

Утерянный диплом ЦВ № 777032, выданный в 1993 г. Ташкентским государственным юридическим институтом на имя Исакова Гуламжона Қиличовича, считать недействительным.

ЧФ “ЖИЗЗАХ ИСТИКЛОЛ-ТЕКС” г. Джиззака (ИНН205919261), преобразуется в ООО “ASIA EXPRESS HOLDING”, которое будет являться правоприееемником по всем правам и обязанностям. Тел.: +99890 976-76-67.

Республика ўсимликларни ҳимоя қилиш ва агрокимё маркази жамоаси Фарғона вилояти ўсимликларни ҳимоя қилиш маркази директори Музаффар Хаджаевга онаси **РЎЗИХОН ая**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Зафар РЎЗИЕВ, Улуғбек УЗОҚОВ, Содиқжон ТУРДИЕВ, Омонулла ЮНУСОВ, Фарҳод ОМОНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Муса АНОРБОЕВ, Абдиваҳоб ТАМИКАЕВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ренат НАЗАРОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

ISSN 2010-7021

ТЕЛЕФОНЛАР:
**Қабулхона** — 236-58-83, **Котибият** — 233-95-17, **Аграр масалалари бўлими** — 233-76-78, **Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими** — 236-56-30, **Маънавият ва маърифат бўлими** — 236-56-21, **Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими** — 236-56-25, **Факс** — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.

ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:
**Қорақалпоғистон Республикаси** – (+99890) 592-62-04; ВИЛОЯТЛАР: **Андижон** – (+99893) 630-73-03; **Бухоро** – (+99891) 247-29-59; **Жиззах** – (+99890) 297-44-09; **Навоий** – (+99891) 537-14-36; **Наманган ва Фарғона** – (+99890) 278-95-87; **Самарқанд** – (+99891) 537-24-95; **Сирдарё** – (+99894) 168-23-60; **Сурхондарё** – (+99890) 519-86-50; **Тошкент** – (+99890) 976-39-58; **Хоразм** – (+99890) 438-71-25; **Қашқадарё** – (+99891) 635-08-03.

Реклама ва эълонлар – 236-58-83, 233-28-04.
Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

Навбатчи муҳаррир: С.СОЛИЕВА
Мусаҳҳиҳ: О.ОЧИЛОВ
Дизайнер: М.БОБОМУҲАММЕДОВА

Газета сешанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Буюртма Г-514, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 21.05
22152 нусхада босилди. Нашр индекси — 144

Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

E-mail: info@qishloqhayoti.uz qh02@rambler.ru

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5